

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАРДОНОВ САЛОҲИДДИН ЭРГАШЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ КОМПОНЕНТЛАР АСОСИДА ОҶОРЛАНГАН КАЛАВА  
ИПЛАРДАН ТЎҚИМАЧИЛИК МАТОЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Мардонов Салоҳиддин Эргашевич**

Маҳаллий компонентлар асосида оҳорланган калава иплардан  
тўқимачилик матоларини ишлаб чиқариш технологияси..... 3

**Мардонов Салоҳиддин Эргашевич**

Разработка технологии текстильных материалов на основе местных  
компонентов ошлихтованных нитей..... 23

**Mardonov Salokhiddin**

Development of technology for textile materials based on local components of  
sized threads..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАРДОНОВ САЛОҲИДДИН ЭРГАШЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ КОМПОНЕНТЛАР АСОСИДА ОҶОРЛАНГАН КАЛАВА  
ИПЛАРДАН ТЎҚИМАЧИЛИК МАТОЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PHD/T282 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хамраева Сановар Атоевна**  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Холиқов Қурбонали Мадаминович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ихтиярова Гулнора Акмаловна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “19” июнь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [nei\\_nfo@edi.uz](mailto:nei_nfo@edi.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 395 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7 уй, тел.: (+99869) 228-76-68. факс: (+99869) 228 76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «04» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «04» июндаги № 35-рақамли реестр баённомаси).

**Р. М.Муродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Т.Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

**К.М.Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда сифатли оҳорланган танда ипларини ишлаб чиқаришда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ривожланган давлатларда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда танда ипларининг сифати, физик-механик хоссаларини яхшилаш ва мустаҳкамлигини оширишга катта эътибор қаратилаётганини<sup>1</sup> ҳисобга олсак, бу хусусиятларнинг шаклланишида ипларни оҳорлаш жараёнининг таъсири катталиги танда ипларини тўқишга тайёрлаш, жумладан уларни оҳорлашда турли компонентлардан фойдаланишни ва уларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ипнинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш учун дунё бозорида тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини муайян даражада юксалиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришда сифатли оҳорланган танда ипларни тайёрлашнинг замонавий, автоматлашган, юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларини такомиллаштириш, истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф асосида маҳсулотнинг янги турларини яратиш ва ассортиментини ўзгартиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ипларнинг хоссаларини яхшилаш, мустаҳкамлигини ошириш учун оҳорлаш жараёнида қўлланиладиган янги оҳорловчи композицияларни яратиш, тўқиш жараёнида танда ипларнинг узилишини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш, тўқимачилик маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини янада ошириш, мустаҳкамлиги юқори бўлган оҳорланган ипларни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда оҳорланган танда ипларидан кенг турдаги сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, танда ипларини маҳаллий усулда оҳорлаш йўли билан мустаҳкамлигини ошириш, маҳаллий хомашёлар асосида танда ипларни оҳорлаш жараёни учун янги композициялар олиш, оҳорловчи модданинг

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

оптимал таркиби ҳамда охорлашнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш асосида тўқима матолар сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишига боғлиқлиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўқимачилик корхоналарида охорланган ипларининг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида, охорлаш жараёнида қўлланиладиган охорловчи таркибини яратиш, охорланган ипларнинг хоссаларини яхшилаш ва технологиясини такомиллаштириш билан ҳорижда S.Jorjevich (Хорватия), С.С.Рyан (Хорватия), А.М. Seyam (Хорватия), Stana Kovashevich (Хорватия), Т.В.Козлова (Россия), З.А.Яминова (Россия), Н.Е.Кочкина (Россия), П.В.Власов (Россия), В.А.Гордеев (Россия), Э.А.Оников (Россия), С.Д.Николаев (Россия), А.А.Мартинова (Россия), М.Н.Ерохова (Россия), В.В.Метюнин (Россия), М.В.Назарова (Россия), А.А.Завьялов (Россия) ва бошқалар шуғулланишган.

Республикамизда танда ипларини охорлаш ва охорловчи таркибини яратиш бўйича тадқиқотлар Э.Ш.Алимбаев, У.М.Матмусаев, С.А.Хамраева, Г.А.Ихтиярова, Б.Б.Дониёров ва бошқалар томонидан бажарилган.

Адабиёт манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина илмий ишлар тўқималарнинг сифатини оширишга, танда ипларининг мустаҳкамлигини яхшилашга йўналтирилган. Бироқ, Республикамизда мавжуд маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланилган ҳолда танда ипларини охорлаш жараёнида крахмал миқдорини камайтириш йўллари излаш, тўқимачилик саноати олдида турган ўта муҳим асосий масалалардан бири бўлиб, юқори самара берувчи, янги, арзон ва самарали охорловчи композицияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда, тўқув матоларини ишлаб чиқариш сезиларли ривожланишига қарамай, ҳал этилиши талаб қилинадиган кўпгина муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Хусусан, Республикамиз тўқимачилик корхоналарида танда ипларини тўқувга тайёрлашда унинг мустаҳкамлигини ошириш учун охорловчи маҳсулотлар сифатида арзон, экологик хавфсиз, маҳаллий компонентлардан фойдаланиш ва охорлаш орқали ипларнинг сифати ва мустаҳкамлигини ошириш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг ИТД-3-18 рақамли «Газламанинг сифат кўрсаткичларини дастлабки баҳолаш билан ипни шакллантириш учун самарали технология ишлаб чиқиш» (2012-2014) ва ИТД-7-2020 «Гидравлик тўқув дастгоҳининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги тузилишли тўқима ишлаб чиқаришнинг асосий технологик омилларини ишлаб чиқиш» (2020-2021) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашё асосидаги оҳорловчи модданинг оптимал таркиби ва оҳорлашнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тўқима мато сифатини оширишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий хомашёлар гидролизланган акрил эмульсияси ва узхитан асосида крахмални модификациялаш ҳамда янги юқори самара берувчи оҳорловчи композициянинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

крахмалли оҳорловчиларнинг технологик параметрларига ва у билан оҳорланган танда ипларига гидролизланган акрил эмульсияси ҳамда узхитаннинг таъсирини аниқлаш;

маҳаллий компонентлар асосида оҳорланган танда ипларидан тўқимачилик матоларини ишлаб чиқариш, мақбул параметрлари ва иш режимларини назарий ва тажрибавий усулларда асослаш;

маҳаллий компонентлар асосида оҳорланган танда ипларидан сифатли тўқимачилик матоларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий компонентлар асосида оҳорланган танда ипларидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик матоларининг сифатини аниқлаш ва унинг техник-иктисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта толали танда иплари, оҳорловчи реагентлар: маккажўхори крахмали, хитозан, узхитан, «Навоиазот» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган акрил эмульсияси, оҳорлаш машиналари, тўқув дастгоҳи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** оҳорланган танда ипларининг кўрсаткичларини аниқлаш асбоблари, оҳорловчи маҳсулотлар, танда, тўқув ғалтаклари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида оптик микроскопия, визкозиметрия, реология, матолар сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш, тўла факторли тажриба, тажриба натижаларни қайта ишлаш, регрессион моделлар қуришнинг кичик квадратлар усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк марта пахта толали танда ипларини оҳорлаш учун табиий крахмал ва узхитан полимери асосидаги оҳорловчи модда таркиби ишлаб чиқилган;

оҳорловчи модда олиш усуллари, таркиби ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни бошқариш орқали маккажўхори крахмали, узхитан ва

гидролизланган акрил эмульсияси асосида янги таркибли оҳор олиш технологияси ишлаб чиқилган;

танда ипининг оҳор билан қопланиш жараёни, уни амалга оширувчи муҳит ва вақт омилларининг таъсири даражасини инобатга олган ҳолда танда ипининг оҳор билан қопланиш коэффициенти аниқланган;

маҳаллий компонентлар билан оҳорланган танда ипларидан тўқимачилик матолари ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик параметрлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

узхитан миқдорининг крахмалли оҳорловчи таркибига, унинг нисбий қовушқоқлигига ва калава ипнинг асосий кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

янги таркиб билан оҳорланган пахта толали танда ипларни анъанавий усулдаги таркибга қараганда юқори комплекс кўрсаткичларга эга бўлган ипни олиш имкони берилган;

ипларда яхши сингувчи, тўқишдаги ишқаланиш кучига бардошлиги, мустаҳкам қоплам ҳосил қилувчи арзон оҳор маҳсулоти тайёрланган ва бу рецепт оҳорлашда кенг фойдаланиш учун тавсиялар берилган;

маккажўхори крахмали ва узхитан препаратидан тайёрланган оҳорловчи композицияни тадбиқ этиб, Республика тўқимачилик корхоналарига олиб келинадиган маҳсулотларнинг камайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва энергия сарфини камайтиришга, шу билан бирга истеъмолчилар талабларини қондира оладиган сифатли матолар ишлаб чиқаришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларда стандарт усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ҳозиргача маълум бўлган кўрсаткичларга мутаносиблиги, пахта толали танда ипларни оҳорлаш жараёнлари математик моделлари таҳлили натижаларининг кўриб чиқиладиган фан соҳасида олинган натижаларни баҳолашнинг маълум мезонларига мувофиқлиги ҳамда назарий тадқиқотлар натижаларининг тажрибавий тадқиқотлар натижаларига мос келиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган математик моделлар, хусусан, тўқимачилик матолари учун танда иплари таранглиги, тўқув дастгоҳи тезлиги ва ип узилишларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи математик боғланишларнинг ип йигириш ва тўқиш жараёнлари назарий асосларини муайян даражада бойитишга, тўлдиришга ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра сирти силлиқ ва физик-механик хоссалари яхшиланган танда ипларни олишга имкон берувчи крахмал асосида гидролизланган акрил эмульсияси ва узхитан аралаштирилган янги оҳорловчи композиция ишлаб чиқилиши тўқиш жараёнида иплар узилишини камайтириши ва тўқималар сифатини яхшилаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Танда ипларини оҳорлаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:



танда ипларини оҳорлашда маҳаллий сувда эрувчан акрил полимерлари билан узхитан асосида ишлаб чиқилган юқори самарали оҳорловчи полимер композицияси Бухоро шаҳридаги «DELUXE FABRIC» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 19 октябрдаги №04/18-2439-сон маълумотномаси). Натижада, танда иплари мутаҳкамлигини 15% гача оширишга эришилган;

янги оҳорловчи композиция билан оҳорланган 18,5 тексли танда иплари кўйлакбоп тўқима ишлаб чиқариш технологияси Бухоро шаҳридаги «ARK ЕКО ТЕХТИЛ» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 19 октябрдаги №04/18-2439-сон маълумотномаси). Натижада, мато тўқишда танда ипларининг узилиши 15%га камайтириш имконияти яратилган;

янги оҳорловчи композиция билан оҳорланган 29,4 тексли танда иплари диагонал тўқима ишлаб чиқариш технологияси Бухоро шаҳридаги «КАМАЛАК ШАБНАМ ТЕКС» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 19 октябрдаги №04/18-2439-сон маълумотномаси). Натижада, янги танда ипларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган костюмбоп тўқима матолар ишқаланишга чидамлилигини ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 та хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Танда ипларининг мустаҳкамлигини ошириш ва мато ишлаб чиқаришдаги муаммолар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги кунда оҳорловчи реагент крахмалнинг тузилиши, хоссалари ва қўлланилиши, синтетик акрил полимерлар асосида калава ипларни оҳорлаш

жараёнини такомиллаштириш, акрил полимерлари асосидаги оҳорловчи моддалар, танда ипларни оҳорлаш жараёнини такомиллаштириш усуллари кўриб чиқилган, хитин ва хитозанни модификацияси ва оҳорловчи сифатида қўлланилиши, хитозан ҳашаротлар, сув ўтлар, қисқичбасимонлар танасида, замбуруғларда, тут ипак курти ғумбагида, арилар таркибида бошқа минерал моддалар, оксил ва меланин пигменти билан бирга комплекс ҳолда учраши ва ҳашаротлар таянч системасини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эгаллиги, табиатда хитозан ажратиш олиш имконияти мавжуд бўлган табиий манбаалар хилма-хиллиги келтирилган, ҳамда тўқимачилик саноатининг ривожланиши амалиётда юқори унумдорликка эга бўлган тўқув дастгоҳларининг қўлланиши билан бир қаторда ишлаб чиқарилаётган матоларнинг хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида махсус оҳорловчи моддалар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш орқали сифатли маҳсулотлар олишга эришиш мумкинлиги ва тўқув дастгоҳида тўқима ҳосил қилишда таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Оҳорлаш жараёнида иплар ҳаракатини назарий таҳлил қилиш ва маҳаллий компонентлар асосида янги оҳор таркибини ишлаб чиқиш ва хоссаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобда оҳорлаш жараёнидан ўтган танда иплари маълум тезликда ҳаракатланиб суяқ оҳорга чўктирилади ва сиқиш валидан ва қуритиш барабанларидан ишқаланиб ўтиб, ип сиртида маълум қалинликда қатлам ҳосил қилиниши ипларнинг диаметрини ўзгаришини аниқлаш учун оҳорланган танда иплар сиртини назарий таҳлили бажарилган.

Оҳорланган танда ипи диаметрининг ўзгариши ундаги қопламнинг мустақамлигини англатади. Шунинг учун оҳорлашдан ҳосил қилинган ип сиртидаги қопламни аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда оҳорланган танда ипларнинг сиртида ҳосил қилинган қопламни фоиз ҳисобида аниқлаш учун қуйидаги формуласи топилган:

$$\eta_d = \left(1 - \frac{d_{ip}}{d_{ohor.ip}}\right)100 \quad (1)$$

бунда,  $d_{ip}$ —оҳорланмаган ипнинг диаметри, мм;

$d_{ohor.ip}$ —оҳорланган ипнинг диаметри, (ўрта чизикли зичликдаги иплар учун оҳорланмаган ипнинг диаметридан 1,5-3,2% гача юқори бўлади) [ЦНИХБИ 1990 йил ҳисоботидан] мм;

Бундан ташқари оҳорланган танда ипининг оҳор билан тўла қопланиши коэффициенти қуйидаги 2 усулда аниқлаш мумкин. 1-усул:

$$K_1 = \left(\frac{L_1^2}{L_0^2} - 1\right) \quad (2)$$

бунда,  $L_1^2$  - оҳорланган ипнинг кўндаланг периметри, мм

$L_0^2$  - оҳорланмаган ипнинг кўндаланг периметри, мм

$$L = \pi d \quad (3)$$

бунда,  $d$  – оҳорланган ва оҳорланмаган ипнинг диаметри.

2-усул:

$$K_1 = \frac{M_1}{M_0} - 1 \quad (4)$$

бунда,  $M_1$  - 1 метр оҳорланган ипнинг массаси, гр;

$M_0$  - 1 метр оҳорланмаган ипнинг массаси, гр.(чўзиш 18,5тексли ип учун-1,4%, 29,4 тексли ип учун-2,3%)

ёки 
$$K_1 = \frac{l_1}{l_0} - 1 \quad (5)$$

бунда,  $l_1$  - оҳорланган ипнинг узунлиги;  $m$

$l_0$  - оҳорланмаган ипнинг узунлиги;  $m$

Турли таркибда оҳорланган танда ипларнинг сирт қатламини назарий ҳисоблашлар бўйича натижалари қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Турли таркибда оҳорланган танда ипларнинг сирт қатлами кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар номи	Вариантлар ва ипнинг чизиқли зичлиги бўйича					
	Оҳорланмаган ип		Базали оҳорланган		Крахмал+ ГАЭ+ Узхитанда оҳорланган ип	
	$T_{T=29,4}$ текс	$T_{T=18,5}$ текс	$T_{T=29,4}$ текс	$T_{T=18,5}$ текс	$T_{T=29,4}$ текс	$T_{T=18,5}$ текс
Оҳорланмаган ипларнинг диаметри, мм	0,198	0,157	0,204	0,160	0,200	0,159
Ип сиртида ҳосил қилинган оҳор қоплами, %	-	-	1,5	1,26	1,10	0,99
Оҳорланган танда ипининг периметри бўйича тўла оҳор билан қопланиш коэффиценти	-	-	0,892	0,924	0,978	0,982
Оҳорланган танда ипининг кўндаланг кесими бўйича тўла қопланиш коэффиценти	-	-	0,864	0,882	0,90	0,92

Назарий таҳлил натижалари экспериментал тадқиқот натижаларидан 5%дан кам аниқликда фарқланиши маълум бўлди. Назарий таҳлил ҳар доим амалий, яъни экспериментал таҳлилни асослаб беради.

Танда ипларни оҳорлаш мақсадида бугунги кунда крахмал, натрий метасиликат ва хлорамин қўлланилади. Тўқувчиликда танда ипларни оҳорлаш учун таклиф этилган синтетик полимер моддалар баъзи технологик камчиликларга эга: қимматлиги ва крахмал сингари универсал хусусиятларга эга эмаслигидир. Шу сабабли оҳорлашда полисахаридлар миқдорининг

пастлиги билан фарқ қиладиган, юқори самара берувчи узхитан билан крахмал асосидаги янги оҳорлаш композициясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Танда ипларини оҳорлаш учун озик-овқат маҳсулоти бўлган крахмал сарфини камайтириш ҳамда оҳорлаш учун қўлланаётган оҳор материаллари таннархини арзонлаштириш ва ипнинг сифатини ошириш мақсадида маккажўхори крахмалига акрил полимери, яъни гидролизланган акриль эмульсияси (ГАЭ) ва узхитан (хитозан ва карбоксиметилцеллюлоза) асосида самарали оҳорловчи композиция яратилган ва реологик хоссалари ўрганилган. Қуйидаги 2-жадвалда крахмал, узхитан ва ГАЭ асосидаги композициянинг қовушқоқлиги ва оқувчанлигини келтирилган.

**2-жадвал**

**Оҳорловчи композициянинг реологик хоссалари**


Крахмал,%	ГАЭ %	Узхитан,%	Қовушқоқлик Па.с	Оқувчанлик чегараси,(Па)
5	-	-	0,92	2,74
6	-	-	1,17	3,77
7	-	-	1,22	5,27
5	0,4	-	0,98	16,36
	0,5	-	1,14	20,13
	0,6	-	1,62	29,14
6	0,4	-	1,10	21,76
	0,5	-	1,54	28,13
	0,6	-	1,83	32,84
7	0,4	-	1,32	30,56
	0,5	-	1,53	36,41
	0,6	-	1,96	38,16
5	-	0,3	1,01	17,20
	-	0,4	1,29	21,17
	-	0,5	1,48	29,66
6	-	0,3	1,17	22,10
	-	0,4	1,44	29,76
	-	0,5	1,55	34,12
7	-	0,3	1,34	32,10
	-	0,4	1,49	38,70
	-	0,5	1,58	40,12
5	0,5	0,5	1,28	22,93
6	0,5	0,5	1,50	34,71
7	0,5	0,5	1,64	41,87

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ГАЭ ва Узхитан билан модификацияланган крахмалнинг қовушқоқлиги ва оқувчанлик чегараси полимерларнинг концентрациясига боғлиқ. Крахмални ГАЭ билан модификациялаганда қовушқоқлик узхитан билан модификацияланганга нисбатан паст бўлади.

Шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, ГАЭ концентрацияси 0,5% ва Узхитан концентрацияси 0,04% бўлган (оҳор массасига нисбатан олинган) компонентлар билан модификациялаганда крахмалнинг қовушқоқлиги кескин

ортади. Масалан, 6% крахмални 0,5% ГАЭ билан модификациялаганда қовушқоқлик 1,41Па.с.ни ташкил қилса, 6%ли крахмал 0,4% узхитан билан модификациялаганда 1,44 Па.с.ни ташкил этади. 0,5% ГАЭ ва 0,5% Узхитан билан модификациялаганда қовушқоқлик 1,50 Па.сек га етгани тажрибада аниқланди.

Юқорида кўрсатилган компонентлар билан модификацияланган крахмалнинг оқувчанлиги 22,93-41,87 Па сек.ни ташкил қилса, модификацияланмаган крахмалнинг оқувчанлиги 2,74-5,27 Па\*сек.ни ташкил қилган.



а)

б)

в)

**1-расм. а). Охорланмаган танда ип, б). Аньанавий крахмал иштирокида охорланган ип, в). Крахмал+ГАЭ +Узхитан иштирокида охорланган ипнинг микрорасмлари.**


1-расмда (а) оҳорланмаган ипнинг тасвири келтирилган бўлиб, ипнинг сиртида туклар мавжудлиги кўриниб турибди. 1-расмда (б) аньанавий, крахмал билан ишлов берилган ипларнинг тасвирлари кўрсатилиб, ипларнинг сиртидаги тукларни оҳор тўлиқ қамраб олинмаганлиги маълум бўлди. Бу эса тўқиш жараёнида тўқув дастгоҳи анжомларида илиниб, узишларга сабаб бўлиш эҳтимоли бор. 1-расм (в) эса Крахмал+ГАЭ +Узхитан билан ишлов берилган ипнинг тасвири бўлиб, оҳор плёнкаси билан тўлиқ қопланган ипнинг сиртини кўриниши келтирилган. Бу тасвирдан шундай хулосага келиш мумкинки, танда ипларининг сиртини Крахмал+ГАЭ +Узхитан билан ишлов бериш, ипларнинг силлиқлигини ва мустаҳкамлигини оширди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқот ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объекти сифатида янги оҳор маҳсулотлари, пахта толали танда ипи ва у асосида тўқилган матолардан намуналар олиб, уларнинг физик-механик хусусиятлари аниқлаш учун ТТЕСИ қошидаги «CentexUz» синов лабораториясидаги замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилди.

Эксперимент ўтказиш 2 босқичда: биринчи босқич–танда ипларини оҳорлаш жараёнида, иккинчи босқич тўқув жараёнида амалга оширилди. Биринчи босқичда Зуккер-Мюллер оҳорлаш машинасида янги оҳорлаш композициясини қўллаб  $T_r=18,5$  ва  $T_r=29,4$  тексли танда иплари оҳорлаш учун тўлиқ факторли 2 тартибли Рототабел режали эксперимент ўтказилди.

Эксперимент ўтказиш учун факторлар сифатида ўзаро боғлиқ бўлмаган омиллардан  $X_1$ –оҳорлаш тезлиги, м/мин,  $X_2$  – сиқиш валларидаги босим, кПа,  $X_3$ -учинчи зонадаги қуритиш барабанидаги ҳарорат,  $^{\circ}\text{C}$  танланди, ишчи матрица тузилди ва ипларнинг сифатини баҳоловчи асосий мезонлар сифатида қуйидагилар танланди:  $Y_1$ - танда ипнинг узиш кучи, Н;  $Y_2$  - танда ипининг узишдаги узайиши, %;  $Y_3$ -ёпишқоқлик, %;  $Y_4$ –нисбий чизиқли зичлик, Н/текс;  $Y_5$ – ип намлиги, %.


Иккинчи босқичда Пиканоль фирмасининг Омни Плюс тўқув дастгоҳида янги оҳорлаш композицияси қўллаб оҳорланган  $T_r=18,5$  ва  $T_r=29,4$  тексли танда ипларидан мато тўқиш учун тўлиқ факторли 2 тартибли Рототабел режали эксперимент ўтказилди. Эксперимент ўтказиш учун факторлар сифатида ўзаро боғлиқ бўлмаган омиллардан  $X_1$ –танда ипларининг таранглиги, сН,  $X_2$ –Тўқув дастгоҳининг тезлиги, мин<sup>-1</sup> танланди, ишчи матрица тузилди ва матонинг сифатини баҳоловчи асосий мезонлар сифатида қуйидагилар танланди:  $Y_1$ - тўқиманинг танда бўйича узиш кучи, Н;  $Y_2$ -тўқиманинг танда бўйича узишдаги узайиши, %;  $Y_3$ - танда ипларнинг узилишлар сони, 1м тўқимада;  $Y_4$ – тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги, цикл;  $Y_5$  –тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги,  $\text{дм}^3/\text{м}^2 \cdot \text{сек}$ .



**2-расм. Оҳорлаш машинасининг сиқувчи валларидаги босим кучини  $T_r=29,4$  ва  $T_r=18,5$  тексли ипларнинг узиш кучига таъсири.**

Тўлиқ факторли экспериментал тадқиқот Бухоро шаҳар «ARK ЕКО ТЕХТИЛ» қўшма корхонаси Зуккер-Мюллер оҳорлаш машинасида танда иплари оҳорланиб, Пиканоль Омни-плюс дастгоҳида б/а «Диагонал» ва б/а «Кўйлакбоп» мато ишлаб чиқарилди. Биринчи босқич эксперимент натижаларидан кўриниб турибдики, 4-вариантдаги оҳорланган танда иплари оптимал вариант деб топилди. Бунда оҳорлаш машинасининг чизиқли тезлиги 70 м/мин, сиқиш валларидаги босим, 5,5 кПа, қуритиш барабанларидаги


температура  $90^{\circ}\text{C}$  га тенг эканлиги аниқланди. Базали 15-вариантга мос бўлиб, оҳорлаш машинасининг чизикли тезлиги 60 м/мин, сиқиш валлардаги босим, 6,0 кПа қуритиш барабанларидаги температура  $100^{\circ}\text{C}$  га тенглиги маълум бўлди ((2-расм).



**3-расм. Оҳорлаш машинасининг қуритиш барабанларидаги ҳароратни чизикли зичлиги 29,4 текс ҳамда 18,5 текс бўлган ипларнинг ёпишқоқлигига таъсири.**

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, оҳорлаш машинасининг қуритиш барабанларидаги ҳароратни тажрибавий оптимал миқдори  $90^{\circ}\text{C}$  (-1) ҳолатида, базали миқдори  $100^{\circ}\text{C}$  (0) ҳолатига нисбатан, чизикли зичлиги 29,4 тексли ипнинг ёпишқоқлигини 9,3%га ошганлиги маълум бўлди. Чизикли зичлиги 18,5 текс бўлган ипларнинг тажрибавий оптимал миқдори (-1) ҳолатида, базали миқдори (0) ҳолатига нисбатан эса 7,2% га ошди (3-расм).


4-расмда келтирилган диаграммада оҳорлаш машинасининг қуритиш барабанларидаги ҳароратни тажрибавий оптимал миқдори  $T=90^{\circ}\text{C}$  бўлган (-1) ҳолатида, базали миқдори  $T=100^{\circ}\text{C}$  бўлган (0) ҳолатига нисбатан, чизикли зичлиги 29,4 тексли ипнинг оҳорлангандан кейинги намлиги 2,1%га камайгани маълум бўлди. Чизикли зичлиги 18,5 текс бўлган ипларнинг эса тажрибавий оптимал миқдори  $T=90^{\circ}\text{C}$  бўлган (-1) ҳолатида, базали миқдори  $T=100^{\circ}\text{C}$  бўлган (0) ҳолатига нисбатан 3,3% га камайди.



**4-расм. Оҳорлаш машинасининг қуритиш барабанларидаги ҳароратни чизикли зичлиги 29,4 текс ҳамда 18,5 текс бўлган ипларнинг намлигига таъсири.**


Иккинчи босқич эксперимент натижалари бўйича ишлаб чиқарилган 1-вариантдаги «Диагонал» ва «Кўйлақбоп» матолар оптимал вариант деб топилди. Бунда тўқув дастгоҳининг тезлиги 700 айл/мин ҳамда танда ипи таранглиги 29,4 тексдаги ип учун 27сН, 18,5 тексдаги ип учун 24сНга тенг эканлиги аниқланди. Базали 9-вариантга мос бўлиб, бунда тўқув дастгоҳининг тезлиги 650 айл/мин ҳамда танда ипи таранглиги 29,4 тексдаги ип учун 25сН, 18,5 тексдаги ип учун 22сНга тенглиги аниқланди.

Олиб борилган экспериментал тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, «Диагонал» матоси ишлаб чиқаришда, танда ипи бўйича узиш кучининг тажрибавий оптимал миқдори танда ипининг таранглиги  $F_t = 27$  сН бўлган (1) ҳолатида, базали миқдори  $F_t = 25$  сН (0) бўлган ҳолатига нисбатан 21,3% фоизга ошди. «Кўйлақбоп» мато ишлаб чиқаришда эса танда ипи бўйича узиш кучининг тажрибавий оптимал миқдори  $F_t = 24$  сН бўлган (1) ҳолатида, базали миқдори  $F_t = 22$  сН бўлган (0) ҳолатига нисбатан 17,4% фоизга ошди (5-расм).



**5-расм. Танда иплари таранглигининг матони танда бўйича узиш кучига таъсири.**

6-расмдаги диаграмма бўйича «Диагонал» матоси ишлаб чиқаришда, 1 метр тўқимадаги танда иплар узилишлар сонининг тажрибавий оптимал миқдори  $F_t = 27$  сН бўлган (1) ҳолатида, базали миқдори  $F_t = 25$  сН бўлган (0) ҳолатига нисбатан 48% фоизга камайди. «Кўйлақбоп» мато ишлаб чиқаришда эса 1 метр тўқимадаги танда иплар узилишлар сони  $F_t = 24$  сН бўлган (1) ҳолда, базали миқдори  $F_t = 22$  сН (0) ҳолатига нисбатан 41% фоизга камайди.



**6-расм. Факторлар таъсирида 1метр тўқимадаги танда иплар узилишлар сонининг ўзгариши.**



«Экспериментал тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида эксперимент натижаларини математик қайта ишлаш қуйидаги кўринишдаги регрессияли тенгламани олиш имконини беради:

#### 29,4 тексли ип учун регрессия тенгламалари

Ёпишқоқлик-  $\hat{Y}_1$

$$\hat{Y}_1 = 5,32 - 0,34X_1 - 0,22X_2 - 0,25X_3 + 0,1X_1X_2 + 0,33X_1X_3 + 0,21X_2X_3 + 0,161X_1^2 + 0,061X_2^2 + 0,24X_3^2 - 0,21X_1X_2X_3$$

Танда ипи намлиги-  $\hat{Y}_2$

$$\hat{Y}_2 = 9,4 + 0,02X_1 - 0,02X_2 - 0,25X_3 + 0X_1X_2 + 0,045X_1X_3 + 0,045X_2X_3 + 0,32X_1^2 + 0,62X_2^2 + 0,625X_3^2 + 0,043X_1X_2X_3$$

Танда ипини нисбий узиш кучи-  $\hat{Y}_3$

$$\hat{Y}_3 = 10,96 - 1,05X_1 - 0,34X_2 - 0,35X_3 + 0,025X_1X_2 + 0,36X_1X_3 + 0,33X_2X_3 + 0,12X_1^2 + 0,46X_2^2 + 0,36X_3^2 + 0,31X_1X_2X_3$$

Танда ипини узиш кучи-  $\hat{Y}_4$

$$\hat{Y}_4 = 322,4 - 30,7X_1 - 10X_2 - 20,7X_3 + 0,75X_1X_2 + 30,5X_1X_3 + 20,1X_2X_3 + 3,38X_1^2 + 13,4X_2^2 + 20,1X_3^2 - 25,1X_1X_2X_3$$

Танда ипини узишдаги узайиши-  $\hat{Y}_5$

$$\hat{Y}_5 = 18,26 - 0,46X_1 - 0,81X_2 + 0,82X_3 + 0,45X_1X_2 + 0,5X_1X_3 + 0,78X_2X_3 - 0,81X_1^2 - 0,635X_2^2 + 0,8X_3^2 - 0,75X_1X_2X_3$$

#### Диагонал матоси учун регрессия тенгламалари

Ишқаланишга чидамлик-  $\hat{Y}_1$

$$\hat{Y}_1 = 15900 + 325X_1 - 317,7X_2 - 1650X_1X_2 + 362,8X_1^2 + 1087X_2^2$$

Узиш кучи-  $\hat{Y}_2$

$$\hat{Y}_2 = 365,2 + 29,73X_1 - 19,59X_2 + 5,75X_1X_2 - 21,32X_1^2 + 4,683X_2^2$$

Ҳаво ўтказувчанлиги-  $\hat{Y}_3$

$$\hat{Y}_3 = 140,8 + 10,01X_1 - 4,351X_2 + 11,8X_1X_2 - 23,94X_1^2 + 19,39X_2^2$$

1м.даги узилишлар сони-  $\hat{Y}_4$

$$\hat{Y}_4 = 0,302 - 0,033X_1 + 0,002X_2 + 0,02X_1X_2 - 0,003X_1^2 + 0,017X_2^2$$


Танда бўйича узишдаги узайиши-  $\hat{Y}_5$

$$\hat{Y}_5 = 10,4 + 0,447X_1 - 0,276X_2 - 0,775X_1X_2 + 0,364X_1^2 + 0,186X_2^2$$

Танланган факторларнинг  $U_1, U_2, U_3, U_4, U_5, U_6$  критерияларга таъсирини аҳамиятлилигини баҳолаш учун факторли дисперсион таҳлил ўтказилди ва шу асосда тажриба вариантлар орасидаги фарқ тасодифий ёки аниқ тарзда бўлиши таҳлил қилинди ва комплекс баҳоланди (7-10-расмлар).


7-8-расмларда 8та вариантдаги янги композиция билан оҳорланган чизиқли зичлиги 29,4 тексли танда ипларининг 6та физик-механик кўрсаткичлари комплекс баҳоланган диаграммаси ва 8 та вариантнинг қиёсий гистограммаси келтирилган. Комплекс баҳолашдан маълум бўлдики олинган ҳар иккала тексли ипларнинг IV-варианти юқори кўрсаткич натижаларни берган. 7-8-расмларда IV-вариант натижалари бўйича бошқа вариантларга

нисбатан кўпбурчакли майдони юқори бўлиб, ипнинг сифат кўрсаткичлари 11350 мм<sup>2</sup> майдонни эгаллаган.



I		XI		XIV	
IV		XII		XV	
VIII		XIII			


7-Расм. Янги композиция билан оҳорланган чизиқли зичлиги 29,4 тексли ипнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси.



8-расм. Янги композиция билан оҳорланган чизиқли зичлиги 29,4 тексли ипнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолашнинг қиёсий гистограммаси.


9-10-расмларда 9та вариантдаги янги композиция билан оҳорланган танда иплар асосида ишлаб чиқарилган «Диагонал» матоларнинг 6 та физик-механик кўрсаткичлари бўйича комплекс баҳоланган диаграммаси ва 9 та вариантнинг

қиёсий гистограммаси келтирилган. Матоларнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолашдан маълум бўлдики, олинган ҳар иккала матоларнинг I-варианти юқори кўрсаткич натижаларини берган. I-вариант натижалари бўйича бошқа вариантларга нисбатан кўпбурчакли майдони юқори бўлиб, «Диagonal» матоси сифат кўрсаткичлари 13330 мм<sup>2</sup> майдонни эгаллаган.



I		IV		VII	
II		V		VIII	
III		VI		IX	

9-расм. «Диagonal» матосининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси.



10-расм. «Диagonal» тўқима матосининг сифат кўрсаткичларини қиёсий гистограммаси.

Тўлиқ факторли эксперимент натижаларидан хулоса чиқариш мумкинки, IV-вариантдаги янги композиция билан оҳорланган чизикли зичлиги 29,4 тексли танда ипларининг сифат кўрсаткичлари ва «Диagonal» матоларнинг 6 та физик-механик кўрсаткичлари бўйича I-варианти оптимал вариант ҳисобланади ва ишда танланган факторларнинг бу вариантдаги қийматларини тўқимачилик саноати тўқув корхоналарида кенг қўллаш учун тавсия этилади.

«DELUXE FABRICE» МЧЖда ишлаб чиқаришда янги таркибли оҳорни 1 тонна калава ипни оҳорлашга қўллаш натижасида  $769800 - 535300 = 234500$  сўм тежалди. 1 йилда бирта тўқув дастгоҳда ишлатиладиган ипни оҳорлаш учун сарф харажатнинг тежалиши 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Ишлаб чиқариш синовлари натижалари

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар қиймати	
	Б/а Диagonal матоси	Б/а Кўйлакбоп мато
1 йилда 1та тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилган мато, м	91042,5	8497,30
Бир йилда 1та тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилган тўқимага сарфланадиган ип, метр	97525,75	9092,11
Килограмм	20676,0	3889,4
1кг ипга сарфланадиган оҳордан тежам	234,5	
1 йилда 1та тўқув дастгоҳи учун мўлжалланган танда ипларини оҳорлашдан самара (тежам) сўм	4848522	912064,3
Тўқув ғалтакдаги 1метр ипни оҳорлашдан самара (тежам) сўм	29,3	-
1 йилда 1 та тўқув дастгоҳи учун, сўм	6676450	-

1 йилда 1та тўқув дастгоҳи учун мўлжалланган танда ипларини оҳорлашдан (2019 йилдаги ҳисоблашлар бўйича)олинган йиллик иқтисодий самарадорлик “Камалак Шабнам Текс” МЧЖда 912064,3 сўмни , “DELUXE FABRIC” МЧЖда 4848522 сўмни, 1 йилда 1 та тўқув дастгоҳи учун “ARK EKO TEXTIL” қўшма корхонасида 6676450 сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

“Маҳаллий компонентлар асосида оҳорланган калава иплардан тўқимачилик матоларини ишлаб чиқариш технологияси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор танда ипни оҳорлаш учун крахмалли оҳорловчига нисбатан крахмали кам миқдорли, юқори самара берувчи тайёр оҳор янги композиция таркиби ишлаб чиқилди ва унинг сарфи эса анъанавий крахмалли оҳорловчини қўлланилишидан 25% га қисқартирилди.

2. Крахмал+ ГАЭ+Узхитанни қўллаш натижасида ипнинг сирт қалинлиги базали вариантга нисбатан 22%га камайиши, танда ипининг периметри бўйича тўла оҳор билан қопланиш коэффиценти 29,4 тексли ипда 0,892 дан 0,978 га, 18,5 тексли ипда 0,924дан 0,982га ошганлиги, танда ипининг кўндаланг кесими бўйича тўла қопланиш коэффиценти 29,4 тексли ипда 0,864дан 0,90 га, 18,5 тексли ипда эса 0,882дан 0,92га ошганлиги асосланди.

3. Эксперимент ўтказилганда танда ипларини оҳорлаш жараёнида  $X_1$ -чизикли тезлик-V, м/мин,  $X_2$ -сиқиш валлардаги босим-P, кПа,  $X_3$ -ҳарорат-T, °C, 2-босқич тўқув жараёнида амалга ошириш учун  $X_1$ -танда ипларининг таранглиги  $F_t$ , сН,  $X_2$ -тўқув дастгоҳининг тезлиги, мин<sup>-1</sup> кириш параметрларининг ўзгариш оралиқлари танланди.

4. Янги оҳорловчи таркиб билан оҳорланган 29,4 тексли танда ипларининг узиш кучи базали вариантга нисбатан 27%га, ёпишқоқлиги эса 9,3%га ошди, ипнинг намлиги 2,1%га камайди, 18,5 тексли танда ипининг узиш кучи эса 28%га, ёпишқоқлиги эса 7,2%га ошди, ипнинг намлиги 2,1%га камайишига эришилди.

5. Ишлаб чиқарилган Диагонал матосининг танда бўйича узиш кучи базали вариантга нисбатан 21,3%га, ишқаланишга чидамлилиги эса 18%га, ҳаво ўтказувчанлик эса 34%га ошди, 1м тўқимадаги узилишлар сони эса 48%га камайди, Кўйлакбоп матонинг танда бўйича узиш кучи эса 17,4%га, ишқаланишга чидамлилиги эса 30%га, ҳаво ўтказувчанлиги эса 20%га ошди, 1м тўқимадаги узилишлар сони эса 41%га камайишига эришилди.

6. Янги композиция билан оҳорланган танда ипларни сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш натижаларига кўра кўра оптимал деб топилган IV-вариантдаги 18,5 тексли ипнинг сифат кўрсаткичлари I ва VIII-XV-вариантларга нисбатан—42%дан 75% гача, 29,4 тексли ипнинг сифат кўрсаткичлари эса I ва VIII-XV-вариантларга нисбатан—30%дан 75% гача юқори кўпбурчакли майдонни эгаллаганлиги аниқланди.

7. Янги композиция билан оҳорланган танда иплар асосида ишлаб чиқарилган матоларининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш натижаларига кўра оптимал деб топилган I-вариантдаги «Диагонал» матоси сифат кўрсаткичлари II-XV-вариантларга нисбатан 52-75%, “Кўйлакбоп” матонинг сифат кўрсаткичлари эса II-XV-вариантларга нисбатан—26% дан 80% гача юқори кўпбурчакли майдонни эгаллаганлиги аниқланди.

8. “ARK EKO TEXTIL” қўшма корхонасида экспериментал тадқиқот ўтказиш натижасида 1 йилда 1та тўқув дастгоҳи учун олинган йиллик иқтисодий самарадорлик 6676450 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАРДОНОВ САЛОХИДДИН ЭРГАШЕВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА ТКАНИ ИЗ ПРЯЖИ  
ОШЛИХТОВАННОЙ СОСТАВОМ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ  
КОМПОНЕНТОВ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PHD/T282.**

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Хамраева Сановар Атоевна**  
доктор технических наук

**Официальные оппоненты:**

**Холиков Курбонали Мадаминович**  
доктор технических наук, профессор

**Ихтиярова Гулнора Акмаловна**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Узбекский Научно-исследовательский институт натуральных волокон**

Защита диссертации состоится “19”июня 2021 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 395). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

Автореферат диссертации разослан “04”июня 2021 года  
(Протокол рассылки №35 от «04» июня 2021 года)

**Р.М.Муродов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**Х.Т.Бобожанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., доцент

**К.М.Холиков**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Использование энерго-ресурсосберегающей технологии и технических средств в производстве качественной ошлихтованной пряжи занимает важное место в мире. Если учесть, что в производстве текстильной продукции в развитых странах мира особое внимание уделяется<sup>1</sup> качеству пряжи, улучшению их физико-механических свойств и повышению их прочности, то при формировании их свойств действие процесса шлихтования пряжи является особенной и предполагает подготовку к ткачеству пряжи, в частности использование различных компонентов при шлихтовании и внедрение его в производстве. Важное значение имеет повышение конкурентоспособности текстильных продукции в мировом рынке для улучшения потребительских свойств пряжи.

Ведутся научно-технические исследования направленные на создание новых видов продукции и изменение ассортиментов на основе требований и предложений потребительском рынке, на усовершенствование современной автоматизированной имеющую высокую производительность техники и технологий внедряемой в производстве качественной ошлихтованной пряжи для развития текстильной промышленности в мире. В этом смысле особое внимание уделяется разработке технологий для подготовки ошлихтованной пряжи имеющую высокую прочность, повышение потребительских свойств текстильных изделий, разработка методов снижения обрывов основных нитей в процессе ткачества, создание новых шлихтующих композиций применяющих в процессе шлихтования в целях повышения прочности и улучшения свойств пряжи.

В нашей республике внедряются комплекс мер направленных на организацию производства качественных текстильных продукции широкого профиля, на развитие и широкое использование местного сырья и повышение экспортного потенциала местных производителей. В стратегии движения по углубленному развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы подчёркивается, что «...одним из основных задач повышения новых ассортиментов конкурентоспособной продукции из местного сырья является совершенствование техники и технологии производства»<sup>2</sup>. Для выполнения эти задачи важное значение имеет повышение прочности пряжи путем шлихтования их использования местного сырья, создание новых композиций для процесса шлихтования пряжи на основе использования местного сырья, повышение качества текстильных материалов на основе разработки оптимальной структуры шлихты и ресурсосберегающей технологии шлихтования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных постановлением Президента Республики

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947.

Узбекистана за № ПФ -4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», за № ПФ-5285 от 14 декабря 2017 года «О комплексных мерах направленных на ускоренное развитие текстильной и швейно-трикотажной промышленности, указом Президента Республики Узбекистан за № ПК-4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по углубленному реформированию текстильной и швейно-трикотажной промышленности и расширению экспортного потенциала» а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной отрасли.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики II «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Многими учёными такими как S. Jorjevich(Хорватия), С.С. Ryan(Хорватия), А. М. Seyam(Хорватия), Stana Kovashevich(Хорватия), Т. В. Козловой(Россия), З.А. Яминовой(Россия), Н.Е. Кочкиной(Россия), П.В. Власовым(Россия), В.А. Гордеевым(Россия), Э.А. Ониковым(Россия), С.Д. Николаевым(Россия), А.А. Мартыновой(Россия), М.Н. Ероховой(Россия), В.В. Метюниным(Россия), М.В. Назаровой(Россия), А.А. Завьяловым(Россия), и другими учёными проведены научные исследования по разработке структуры шлихты применяемой в процессе шлихтования, проведены работы по улучшению свойств нитей и по совершенствованию технологии процесса шлихтования.

В Республике в этом направлении были проведены научные исследования и проблемы нашли свои решения в работах Э.Ш. Алимбаева, У.М. Матмусаева, С.А. Хамраевой, Г.А. Ихтияровой, Б.Б.Дониёрова и в работах других учёных. Анализ литературных источников показывает что многие исследования направлены повышению качества тканей, улучшению прочности нитей.

